МАОРИФЧИЛАР ОРОМГОҲИ

АНДИЖОН. Вилоят маориф ходимларининг Хўжаобод туманидаги Дилкушод қишлоғида жойлашган Бобур номли оромгоҳида қурилаётган 10 та коттеж қурилиши ниҳоясига етказилди. Муҳими, оромгоҳнинг 7 гектарли майдони "Дўстлик" жамоа хўжалиги ҳисобига яна 2 гектарга кенгаядиган бўлди. Май ойида эса бу ерда маорифчиларнинг дам олиш ва даволанишга бағишланган семинар - кўриги ўтказилади.

Қаҳрамон ШОДИЕВ.

НИШОНДА ГАП КЎП

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон тумани шаҳар-қишлоқлари тобора ободонлашмоқда. Хусусан "Дўстлик" жамоа ширкат хўжалигининг "Қизилча" қишлоғида 70 хонадон газлаштирилди. Ҳамза номли жамоа ширкат хўжалигида эса 624 ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Янги Нишон шаҳрида спорт мажмуи қуриб битказилди. Туман марказида эса 50 ўринли "Наврўз" чойхонаси иш бошлади.

Илҳом КАРОМОВ.

ЙИЛ ОЙКУН

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ОЛТИ НАФАР ТЎЙБОЛА

НАМАНГАН. Эшобод қишлоғида Наврўз ўзига хос нишонланди. "Наврўз" ошхона-чойхонаси ишга туширилди. Янги гўшада кам таъминланган оилаларнинг 6 нафар фарзандининг хатна тўйи ўтказиб берилди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов тўйболаларга пул ҳисоби очилган омонат дафтарчаларини , қарияларга эса эсдалик совғаларини топширди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

МУКОФОТГА 40 МИНГ

НУКУС. "Қорақалпоқтранс" бирлашмаси ходимлари юкларни ташиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ўтган йилнинг сўнгги чораги якунларига кўра биринчи ўринни эгаллаб, тармоқ кўригининг дипломи ва 40 минг сўмлик пул мукофотига эга бўлдилар. Бу жамоа юк ташиш топшириғини 103,6, йўловчиларга хизмат кўрсатиш режасини 118,5 фоизга етказиб бажарган эди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 1 апрель, сешанба № 39 (22.123).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ШАҲАР ТЎЙИГА ТЎЁНА

Бу йил маълумки, Бухорои Шарифнинг қутлуғ 2500 йиллик тўйи бутун дунёга байрам қилинади. Шу боис, бу ерга келувчи сайёҳлар сони ўсиши табиий. Яқинда Фарғона вилояти билан Бухоро шаҳри ўртасида янги автобус алоқаси йўлга қўйилди. Бухоро зиёратига борувчи фарғоналиклар энди замонавий автобусда қатнайдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Швеция ташқи ишлар вазири Лена Елм Вален Албаниядаги воқеаларни изоҳлар экан, мазкур давлатга зулм билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, у Швеция ҳукумати Албания халқига озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб беришини маълум қилди. Бундан ташқари, Швеция ҳукумати Халқаро Қизил Хоч қўмитасига 30 миллион крон миқдорида маблағ ажратди. Ушбу маблағнинг маълум бир қисми Албания учун мўлжалланган.*

* * *

☑ *Работда Ислом конференцияси ташкилотининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги 16-сессияси бўлди. Сессияда Қуддус шаҳрида юз бераётган воқеаларга доир масалалар кўрилди. Унда Марокко подшоҳлиги вакили мусулмонларни ҳеч қачон муқаддас шаҳар —Қуддусни тарк этмасликка даъват этди. Шунингдек, у Исроил ҳукуматининг мазкур шаҳарда яҳудийлар учун уй-жойлар қуриш режаси минтақадаги вазиятни янада кескинлаштиришга сабаб бўлишини таъкидлади. Сессия иштирокчилари фаластинликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Бейт Ал-Мал» Ислом жамғармасини тузишга қарор қилдилар.*

* * *

☑ *1996 йили Россия ва Озарбойжон ўртасида имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, Озарбойжон нефти шу йилнинг 1 октябридан бошлаб Россия ҳудудидан олиб ўтилади. 2002 йилга бориб Россия ҳудудидан олиб ўтиладиган Озарбойжон нефти 5 миллион тоннани ташкил этади.*

* * *

☑ *Кўк чойнинг инсон организми учун фойдали жиҳати ҳақида жуда кўп ёзилган. Яқинда гонконглик олимлар кўк чойнинг яна бир янги ҳислатини аниқладилар. Уларнинг аниқлашича, кўк чой қон таркибидаги холестрол миқдорини камайтиришга хизмат қилар экан. Маълумки, айрим ҳолларда холестрол моддаси юрак қон томирлари касаллигини келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Гонконг университети мутахассислари чой баргидан фаол ингредиент моддасини ажратиб олдилар. Бу ҳар қандай доридан ҳам кўра фойдалироқ экан.*

ПРЕЗИДЕНТ ГРЕЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни расмий ташриф билан Греция Республикасига жўнаб кетди.

Ислом Каримов сафар олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида греклар юртига бўлажак мазкур ташриф мамлакатимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаражагини айтар экан, хусусан шундай деди:

— Халқимиз Грецияни, грекларни жуда яхши билади. Зеро, халқларимиз ўртасида кенг савдо-иқтисодий, шунингдек маданий алоқалар қадимдан мавжуд. Бизда машҳур саркарда Искандар Зулқарнайнни қанчалик билишса, соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи ҳам грек халқи учун шунчалик таниқли.

Мустақил Ўзбекистон билан Греция ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Грецияга ушбу илк ташрифимиздан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама кенг алоқаларнинг ҳуқуқий асосини янги босқичга кўтаришдир. Ташриф давомида икки томондан солинадиган солиқларни тартибга солиш, савдо ҳамда технология, қишлоқ хўжалиги, фан ва таълим, шунингдек бошқа соҳаларга оид ўнга яқин ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Хусусан, мамлакатларимиз ўртасида имзоланажак ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик шартномаси икки давлат алоқалари ривожида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиз.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Далат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва республиканинг фонд бозорида хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш ва кенгайтириш, фонд бозорида инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторларнинг фаоллигини ошириш мақсадида:

1. Шу нарса белгиланисинки, давлат ўз улушини сақлаб қоладиган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармоясини шакллантириш чоғида хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг қуйидаги пакетлари кўзда тутилади:

давлатта — акцияларнинг кўпи билан 25 фоизи;
меҳнат жамоасига — акцияларнинг кўпи билан 26 фоизи;
хорижий инвесторга сотиш учун — акцияларнинг камида 25 фоизи;
қолган қисми — эркин савдога.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига айрим ҳолларда хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларининг акциялари пакетини тендер (танлов) шартлари асосида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур тартиб эмиссия проспекти рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб бир йил мобайнида амал қилади, шундан кейин сотиб олинмаган акцияларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан юридик ва жисмоний, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга эркин сотиш учун қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бир ҳафта муддатда давлат корхоналари негизида ташкил қилинган акциядорлик жамияти таъсисчилари ўртасида акцияларни тақсимлашни таъминлаш механизмининг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиб, тақдим этсинлар.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси Раиси В. Чжен зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 март.

ҲАМДЎСТЛИК БАРЧА ДАВЛАТЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Хабар қилинганидек, Президент Ислом Каримов 28 март куни Москвада бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Шўро салтанати ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутгач, унинг ҳудудида ташкил топган суверен давлатлар ўртасидаги «ажралиш»билан боғлиқ муаммоларни маърифий йўсинда ҳал этиш, мураккаб ришталар билан боғланган хўжалик алоқаларини имкон қадар сақлаб қолиш, муҳими, уларнинг ўзаро муносабатларини янгича асосларда ташкил этиш мақсадида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилган эди. Шундан буён орадан беш йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳамдўстлик ўз олдига қўйилган вазифаларни қай даражада бажара олдию унинг истиқболи қандай? Президентларнинг олий даражадаги учрашувида бугуннинг ана шу долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Россия Федерацияси Президентининг Кремлдаги вакиллик хонасида МДҲ давлат бошлиқлари кенгашининг ёпиқ мажлиси — Президентларнинг ҳоли учрашуви бўлди. Танаффусдан сўнг Екатерина залида кенгашнинг кенгайтирилган таркибда — расмий делегациялар иштирокидаги мажлиси ўтказилди. Мажлисларда МДҲ давлат бошлиқлари кенгаши томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда бажарилиши, интеграция жараёнларини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш, ҳудудий зиддиятларни ҳал этиш ҳамда Ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ бошқа кўплаб масалалар юзасидан жиддий мунозара юритилди.

Давлат бошлиқлари МДҲ замон тақозоси бўлгани, суверен мамлакатлар ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари ўрнатишда муайян ўрин тутганини эътироф этдилар. Шу билан бирга, ҳамдўстлик доирасида қабул қилинган кўплаб қарорлар бажарилмади. Амалий ишлар етишмади. Бунга ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилмагани сабаб бўлди. Таъкидландики, Ҳамдўстлик истиқболи ҳақида сўз борар экан, бунда давлатлараро ҳамкорлик борасидаги жаҳон тажрибасидан, интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш лозим.

Учрашувда коллектив хавфсизликни таъминлаш, чегараларни қўриқлаш, Ҳамдўстлик ичидаги ҳудудий можароларни ҳал этиш масалаларига катта эътибор берилди. МДҲ ҳудудида бундай зиддиятлар, айниқса қуролли қарама-қаршиликлар бўлмаслигига эришиш зарурлиги қатъий таъкидланди.

Мажлис кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган ҳужжатлар давлат бошлиқлари томонидан кўриб чиқилди.

Кремлдаги матбуот марказида МДҲ давлат бошлиқлари учрашув натижаларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказдилар. Журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

Мавриди келганда айтиш лозимки, МДҲ фаолиятида қатнашаётган ҳар бир давлатнинг ўзига хос тараққиёт йўли, шундан келиб чиқадиган манфаати борлиги табиий ҳол, албатта. Президент эса — ана шу халқ ва Ватан манфаатларининг кафолатидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ҳамдўстлик доирасида мустақил Ўзбекистон Республикаси йўлини аниқ-равшан ифода қилиб келмоқда.

Бу борада Президентимиз қарашлари асосан нималардан иборат. Энг аввало, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзолик ҳеч бир давлатнинг суверенитетига заррача бўлсин раҳна солмаслиги керак. Яъни ким билан сиёсий, иқтисодий муносабатларга киришиш муайян давлатнинг ўз ишидир. Бундан бошқа давлатларга зарар етмаслиги керак.

Иккинчидан, Ҳамдўстликка аъзо ҳеч бир давлат, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, бировга ўз қарашларини тиқиштиришига, айниқса тазйиқ ўтказишига йўл қўймаслиги керак. Шу маънода, Ҳамдўстлик доирасида давлатдан юқори турадиган тузилмалар ташкил этиб бўлмайди. Чунки, улар айрим давлатлар қўлида бошқаларга тазйиқ ўтказиш воситасига айланиб қолиши мумкин.

Учинчидан, Ҳамдўстлик доирасида қабул қилинадиган дастур ва концепцияларнинг қайсиларида қатнашиш ҳар бир аъзо давлатнинг ўз ихтиёрида бўлмоғи зарур.

Мамлакатимизнинг жаҳондаги энг мутараққий мамлакатлар, шунингдек, Россия Федерацияси билан боғлаган ҳамкорлик алоқалари ёки Марказий Осиёдаги уч давлат ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий макон бераётган самаралар бу йўлнинг нечоғли тўғрилигини исботлаб турибди.

Президент Ислом Каримов матбуот конференциясида ЎзА мухбири саволига жавоб берар экан, юқоридаги фикрни яна бир карра тасдиқлаб, жумладан шундай деди:

— Авваламбор, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги конфедерация эмаслигини эсдан чиқармаслик, яъни, ҳар бир ишда унинг мақомига амал қилиш зарур. Бу борада бошқа ҳар хил ҳавойи орзу-умидларга берилиш ярамайди. МДҲ доирасидаги иқтисодий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндашмоқ керак. Бу жараённи ғайритабиий равишда тезлаштиришга интилиш девальвацияга — мутлақо тескари оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айтилганлардан хулоса шуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўз моҳият-эътибори жиҳатидан собиқ шўро ҳудудида ташкил топган Мустақил Давлатлар ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши, унга аъзо мамлакатларнинг манфаатларига тенг жавоб бериши лозим.

Шу куни Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Е. Примаков билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари муҳокама этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримовнинг Украина Президенти Л. Кучма билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протоколни имзодладилар.

Ислом Каримовнинг Москвага сафари чоғида унга Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ш. Шохалилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Москва-Тошкент.

Партия ахбороти

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгашининг навбатдаги пленумида «Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XVII пленуми якунлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маънавиятни юксалтириш бўйича вилоят партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масала юзасидан кенгаш биринчи котиби Р. Мухторов маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов ва Андижон вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М. Юсупов сўзга чиқдилар.

Пленум кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари М. Шамсибоева иштирок этди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП XVII пленуми якунларидан вилоятлар партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоят, Тошкент шаҳар кенгашларининг пленумларида кўриб чиқилди. Уларда вилоят партия кенгашларининг биринчи котиблари Ж. Нуруллаев, И. Умурзоқов, Ҳ. Эрматов, Ғ. Машарипов, Ф. Омонов, Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Ғуломов маъруза қилдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбирларимиз хабарлари асосида.

ЁРЛИҒИНГИЗДАН ОР ҚИЛАСИЗМИ?

Ёрлиқ нима? Ҳа, тўғри, маҳсулотнинг расмий «паспорти». Бировнинг паспортидан фойдаланган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин бировнинг ёрлиғини «ўғрилаш — ўзлаштиришчи?!

Яқинда Отчопор бозорига бордим. У ердан истаган нарсангизни топасиз, сал 200-300 сўм арзонроққаям харид қиласиз. Ҳарна-да. Расталарни айланаётганимда 1500 сўмлик аёллар кўйлаги диққатимни тортди. Тўғриси, арзонроқлиги эътиборимни жалб қилди. Сал нарида шундай кўйлакни 2800-3000 сўм деб туришибди.

— Жанубий Кореяники, асл мол, олинг, яна «тушаман», — 13-14 ёшлардаги оқ рўмолга ўралган қиз зўр бериб молини мақтарди.

— Нега арзон? — негадир арзонлигидан қувонишдан кўра ҳайратланиш кучли эди менда.

— Яхшилик ёқмаган одамларей, — қизнинг онаси шекилли сотувчи аёл савдомизга аралашди. — Мол қанча тез кетса, бизам шунча тез «учамиз»да, — ҳижобга ўралган сотувчи аёл бошини иргаб Мағрибними, Машриқними имо қилди.

Хуллас, савдомиз пишиб кўйлакни сотиб олдим. Бироз айланиб 8 минг сўмлик эркаклар костюм-шиминиям шу алпозда харид қилдим. Ёрлиғи хорижники! Ахир, бу матоҳ 15-18 минг сўм турадиган-я?!

Арзонлигиям, сифатиям яхши. Лекин «Жанубий Кореяники» дейилган ёрлиқ чатилган бўлсада, у хорижники эмас. Балки ўз маҳсулотимиз. Эркаклар костюмшими, болалар устки кийим-кечакларига аёллар ички кийимларини ишлаб чиқарувчи хорижий фирмаларнинг ёрлиғини ёпиштириб қўйишнинг ўзи бир қарашда жуда кулгули.

Ўзбекистон енгил саноат моллари жаҳон бозорларига кириб бораётган бир пайтда ички бозорларимиздаги бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?! Кишини ўйлантирадиган яна бир томони хорижий ёрлиқларни ниқоб қилган «чеварлар» ўз ёрлиқларидан ор қилишадими? Ахир, тайёрланган маҳсулот сифати хорижникидан кўпам фарқланмай турибди-ку?! Ёки ўзимизга ишонмаймизми?

Бозорларимиздаги бу аҳволнинг яна бир аччиқ сабоқли томони бор. Расталарда савдо қилаётган бошига ҳожи қалпоқни қўндирган ёшгина йигитчалар, ҳижобга ўралган қиз-жувонлар харидорни «хорижники» дея алдаётганда икки карра гуноҳга ботаётганликларини билишармикин? Умуман, тижорат маданиятидан бехабар ота-оналар фарзандлари, ҳатто қизалоқларимиям хиёнатга тенг шерик қилишаётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўришармикин?

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Санда ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий маданиятни ривожлантиришда халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатининг аҳамиятини ошириш, қўлда ишланадиган юксак бадиий буюмларни тайёрлаш, асрий анъаналарини ва ўзига хос турларини қайта тиклаш ҳамда халқ ҳунармандларига давлат томонидан мадад кўрсатиш мақсадида:

1. Хонадон шароитида юксак бадиий буюмлар ишлаб чиқарувчи халқ ҳунармандларига уларни маҳаллий хом ашё, материаллар, асбоблар ва кичик механизация воситалари билан таъминлашда, кўргазмалар ва кимошди савдоларини ўтказишда, тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича ихтисослаштирилган дўконлар ва киоскалар тармоғини ташкил қилишда, ёшларни халқ санъати усталарининг кўникмаларига ўқитиб ўргатиш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиришда амалий ёрдам кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг, республика вазирликлари ва идораларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. 1997 йилнинг 1 апрелидан бошлаб белгиланган тартибда ҳокимликлар ва солиқ идораларида рўйхатдан ўтган ҳамда илова қилинаётган рўйхатга мувофиқ хонадон шароитида бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини ишлаб чиқарувчи якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар 5 йил муддатга даромад солиғи тўлашдан озод қилинсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хонадон шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатининг мазкур турлардаги буюмларни ишлаб чиқариш билан банд бўлган якка тартибда фаолиятда кўрсатувчи тадбиркорлар ўз маҳсулотининг нархларини истеъмол бозоридаги талаб ва таклифлардан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар.

Ушбу рўйхатдаги буюмлар республикадан ташқарига сотилиши чоғида улардан олинадиган бож ҳақи бекор қилинсин.

3. Бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъатнинг энг яхши намояндалари хизматларини, уларнинг миллий маданиятни янада ривожлантиришга ва истеъдодли ёшларни тайёрлашга қўшган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

4. Халқ усталарининг, «Усто» бирлашмаси ва «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш марказининг ушбу марказ ҳузурида халқ ҳунармандларининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида бўлинмаларга эга бўлган «Ҳунарманд» уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Қуйидагилар уюшма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

халқ ҳунармандларининг меҳнат фаолияти масалаларини мувофиқлаштириш, республика қонунчилиги томонидан уларга бериладиган ҳуқуқлар ва манфаатларни ҳимоя қилиш;

усталар ва ҳунармадларни моддий-техника ресурслари, асбоблар, кичик механизация воситалари билан таъминлашни, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишда, шу жумладан экспорт қилишда ёрдам беришни назарда тутган ҳолда уларга уйда ишлашлари учун шарт-шароитлар яратишда кўмак бериш;

бозор талабларини ўрганиш ҳамда юксак бадиий буюмлар тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё ва материалларнинг янги турларидан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

мамлакат ичкарисида ва чет элларда халқ усталарининг буюмлари кенг таргиб ва реклама қилинишини, расмий материаллар ва каталоглар чиқарилишини, кўргазмалар ва кимошди савдолари ўтказилишини ташкил этиш;

халқ санъатининг ноёб турларини ва буюмларнинг юксак бадиий нусхаларини тайёрлашда анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда бу иш кўникмаларини ёшларга сингдириш, моҳир усталарни тайёрлаш бўйича махсус мактаблар ташкил қилиш.

6. Шу нарса белгиланснки, халқ ҳунармандларининг республика «Ҳунарманд» уюшмаси маблағлари уюшманинг ўз тадбиркорлик фаолияти, аъзоларининг бадаллари, ҳомийларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш юридик шахслар ва халқаро ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланади.

Уюшмага бир йўла молиявий ёрдам кўрсатиш учун 150 миллион сўм, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг маблағлари ҳисобидан — 50 миллион сўм, Меҳнат вазирлигининг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан — 50 миллион сўм, Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси ҳисобидан — 50 миллион сўм ажратиб берилсин.

7. «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга ҳудудий уюшмаларни ташкил этиш ва уларнинг нормал ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин;

«Ҳунарманд» уюшмасининг таъсис конференциясини ўтказсин ва унинг низомини қабул қилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг бажарилишини ташкил этиш юзасидан қарор тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 март.

1997 йил 31 мартдаги Фармонга илова

ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКЛАРИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИ БУЮМЛАРИ АСОСИЙ ТУРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Ганч, ёғоч, суяк, тош ўймакорлиги буюмлари

Ёғоч ва металлдан тайёрланган нақшин безакли буюмлар

Кандакорлик буюмлари, пичоқлар

Кулолчилик ва керамика буюмлари

Заргарлик буюмлари

Қўлда тўқилган гиламлар, полослар ва атлас газламалар

Бадиий безаб ишланган шиша буюмлар

Зардўзи буюмлар, каштачилик, шу жумладан чокли буюмлар

Милий чопонлар, дўппилар

Гул босилган газламалардан тайёрланган буюмлар

Миллий сандиқлар

Миллий мусиқа асбоблари

Миниатюра шаклидаги рассомчилик буюмлари (лак берилган миниатюра, қоғозга, терига, газламага, қовоққа, суякка туширилган миниатюра)

Сирланган нақшин безакли буюмлар

Ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар

Майда ҳайкалтарошлик буюмлари

Керамика ва ёғочдан тайёрланган ўйинчоқлар

Тол новдаларидан, қамиш, похолдан тўқилган буюмлар

Миллий бешиклар

Миллий пойабзал, босма нақшли чарм буюмлари

Партия ҳаёти

ИНСОН МАНФААТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида «Маҳалла — инсон манфаатлари хизматида» мавзуида вилоят кўрик-семинари бўлиб ўтди. Семинарда вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари, вилоят бўлим ва бошқармалари, барча турдаги жамғармалар раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари биринчи котиблари, шаҳар, туманлардаги маданият, халқ таълими, «Маънавият ва маърифат» марказлари раҳбарлари ҳамда шаҳарча, қишлоқ маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари иштирок этдилар.

Семинарни вилоят ҳокими ўринбосари Ф. Азимов қисқача кириш сўзи билан очди. Семинар кун тартибидаги масала бўйича А. Эҳсонов маъруза қилди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгаши биринчи котиби А. Игамбердиев, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси А. Мирсалимов, Маргилон шаҳар «Йўрмадуз» маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Ғаниева, Бешариқ тумани Қашқар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Усмонов, Қува тумани Деҳқонобод қишлоқ маданият маркази раҳбари Э. Муйдиновлар ҳамкорликда иш олиб бориш бўйича ўзларининг фаолиятларини ўртоқлашган ҳолда мазкур ишларни янада яхшилаш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.

Семинар йиғилишида вилоят ҳокими Н. Муминов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Н. МУРОДОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 1 апрелидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	45,86
1 Австрия шиллинги	4,95
1 Англия фунт стерлинги	95,55
10 Бельгия франки	16,89
1 Голландия гульдени	30,99
10 Греция драхмаси	2,20
1 Дания кронаси	9,15
1 БАА дирхами	15,94
1 АҚШ доллари	58,53
1 Миср фунти	17,28
1 Ирландия фунти	92,33
1 Исландия кронаси	0,83
10 Испания песети	4,11
100 Италия лираси	3,49
1 Канада доллари	42,43
1 Хитой юани	7,05
1 Кувайт динори	193,04
100 Ливан фунти	3,80
1 Малайзия ринггити	23,62
1 Германия маркаси	34,87
1 Норвегия кронаси	8,81
1 Польша злотийси	19,04
10 Португалия эскудоси	3,47
1 Сингапур доллари	40,52
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	11,71
1 Франция франки	10,35
1 Швеция кронаси	7,74
1 Швейцария франки	40,32
1 ЭКЮ	67,75
10 Жанубий Корея вони	0,67
10 Япония иенаси	4,73
1000 Россия рубли	10,22
1 Украина гривнаси	31,72
1000 Белорусь рубли	2,36
1 Эстония кронаси	4,62
1 Латвия лати	100,91
1 Литва лити	14,63
1 Қозоғистон тенгеси	0,78
1 Қирғизистон соми	3,32

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЎЗБЕК ДЎППИЛАРИДА ОЛАМ АКСИ. Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

САРКОТИБЛАР МАҲАЛЛАГА БОРИШДИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши Бўз туманида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлигини ўрганишга бағишланган семинар ташкил этди. Унда ЎзХДП шаҳар, туман кенгашларининг биринчи котиблари, «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамда М. Жалолов номли ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари қатнашдилар.

Семинарда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Р. Мухторов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси А. Солиев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АҲВОЛ ҚАЛАЙ, НЕКТЕР?

Муносабат

Ҳаётимизга бозор тушунчаси билан бир вақтда кириб келган баъзи иллатлар ҳақида очиқ айтмоқ замони етди. Зеро, ўз вақтида олди олинмаган дард ҳалокатга олиб боради.

Машҳур файласуф Бенжамин Франклиннинг қанотли сўзлари бор: «Чала ҳақиқат — аслида катта ёлғон!». Америка журналистикасининг отаси, давлат мустақиллиги декларациясининг муаллифи бу билан нима демоқчи? Унинг фикри жуда содда: фақат ҳақиқатни айтинг!

...Янги иморат қурган ҳамқишлоқ йигит бошқаларга ўхшаб пулни пулга уриб бойишни орзу қилди. Осон йўлини — совун олиб сотишни танлади. Урганч шаҳрида бир бўлак совун беш сўм туради. (Икки йил олдинги воқеа булар). Дўконда эса тўққиз сўм. Яхши бизнес. У Хазораспдаги судхўрдан ҳафтасига минг сўм устама ҳисобига беш минг сўм қарз олди.

Қарангки, осонгина юмуш. Урганчга бориб минг дона совунни кўтара харид қилади ва келтириб қишлоқдаги дўкончига донасини етти сўмдан топширади. Нари борса икки кунда битадиган «операция». Нақд минг сўм чўнтагига қолиб турибди. Оиласини бир ой беминнат боқиши мумкин.

Пулни олди-ю, вилоят марказига жўнади. Ёғ заводида ишлайдиган бир одам билан тиллашди. Янги таниши эртагаёқ минг бўлак совунни тайёр қилиб бериши, ҳатто қишлоққа ўзи элтажагини айтди. Пул «совунчи»да қолди.

Бир кун кутди. Совундан дарак йўқ. Яна шаҳарга жўнади. «Ҳали минг дона тўплаганимча йўқ. Заводдан бирдан чиқариш қийин бўляпти!» Икки кун шу тахлит ўтди.

Яна борди. «Ўзим индинга элтиб бераман!»

Яна икки кун кутди. Судхўр билан келишилган бир ҳафта яқинлаб қолганди. Энди такси ёллаб совунчини қидириб борди. «Зўрга, саккиз юз бўлак тўпладим, қолганини топиб бераман...» деди совунчи. Илож қанча шунисига шукр қилиб олди.

Дўкончи савдо камлигини баҳона қилиб, ҳар бўлагини олти сўмдан ошиқ ололмаслигини айтди. Топширмай деса, бошқа илажи йўқ — пулнинг фоизи ўса бошлаган. Агарда олти сўмдан нақд пулга топширса ҳам икки юз сўм бўйнида қарз бўлиб қолади. Қайда? Сотувчи товарнинг ярми сотилгач, тўлиқ пулни тўлашни айтди.

... Ишқилиб, совуннинг ярми сотилгунча икки ҳафта ўтиб, олинган қарз фоизи билан етти минг сўмга етиб қолди. Шаҳарлик совунчини ҳам, икки юз дона совунни бошқа кўролмади.

Бу орада судхўр икки марта хабар олди, қарзни сўради. Йигит эса бошқа бирор йўл — яна тағин қандайдир савдо «операция»си қилиб пулни қоплатишни кўзлаб у ёққа-бу ёққа югурди. Вақт ўтаверди.

Судхўр энди фоизни ҳафтадан кунликка туширди. Қарз деган бало ўз-ўзидан «болалаб» кетаверди. Тонг отмоғи, кун ботмоғи нима? Ғизиллаб ўтяпти.

Йигитнинг боши қотган — сотай деса моли йўқ, қўни-қўшнилар қарз беришмайди. Бирор ерда ишламайдиган, юришининг тайини йўқ одамга ким ҳам қарз беради дейсиз?

Қисқаси орадан бир ой ўтиб, қарз фоизлари билан ўн икки мингга етди. Судхўр энди дагдағага ўтди: «Уйингни ёқиб кетаман!» «Бир ҳафтада топиб бермасанг, ишингни «разборчилар»га топшираман!».

Якуни — янги иморат қурган одамдан бирор миқдор пул ундиришдан таъмани узган судхўр унинг бисотида қўлга илиниши мумкин бўлган буюмларни қарзи ҳисобига олишга рози бўлди. Бу уйининг ягона кўрки бўлган гилам, эски мотоцикл ва иморатнинг бир хонасини пол қиламан, деб қачонлардир олиб қўйган тахталар...

...Собиқ синфдошлар учрашувининг зиёфатига «шайтон суви» харид қилиш учун Хазораспдаги машҳур «Қозоқ бозори»га бордик. Бозорда нима кўп ясама қўлбола арақ. Ҳатто баъзиларидан анҳор суви тотлироқ... Бир танишимиз йўлиқиб, маслаҳат солди: «Шу яқин ўртада турадиган таниш арақчи бор. Моли ишончли. Куйиб қолмайсизлар». Танишимизнинг таниши савдо билан машғул экан, бизга ҳамроҳ қилиб аёлини жўнатди: «Уйдан олиб кета қолинглар...»

Машинада кетяпмиз. Савдогар аёл суҳбат мавзусини нимагадир иморат масаласига бурди. Йўл-йўлакай мақтаниб кетди: «Катта ўғлимизга пахта заводи қурган коттежлардан бирини олиб бердик. Сув текинга тушди. Эр-хотин, болалар билан Россияга икки марта бориб келганда топган фойдамизга олдик... Уйда яна икки келиним бор. Иккинчи ўғлимизга участка қуриш учун томорқа ололмай сарсон бўлиб юргандик, бахтимизни қарангки, шундоқ ён қўшнимиз «процент»дан қуйди. Ҳамма қатори мен ҳам бизнес қиламан деб процентга катта пул олиб, ўрис юртига борадик. Молларини сотиб энди қайтай деганда рекетлар қўлига тушибди. Ҳатто йўлкирага ҳам ақча қолдиришмабди. Бозорда бир ҳафта юкчилик қилиб поездга йўлкира йиғиб қайтиб келди. Рангида қон йўқ. Адои тамом бўлган. Айтадигани: «Кафангадо бўлдим!». Ахир ҳазилакамми, процентга олган юз минг сўми бориб келгунча эллик мингни «туққан». Чора излаб юз ёққа чопди. Орадан бир ой ўтгач, судхўрлар пулни кунликка ўтказишди. Яъни, улар тили билан айтганда, «соат» қўйишган. Ҳар «чиқ», «чиқ»и пул ишлаб ётибди...

Бечора қарзи уч юз мингга етганда бошқа чора тополмай уйни сотишга мажбур бўлди. Саккиз хонали, деярли ремонтдан чиққан иморат. Эрим билан маслаҳатлашиб, уч юз эллик мингни санаб бердик. Эллик мингги болачақасига нон-туз бўлар деб...

Ҳозир бир танишиникида тўрт боласи билан ижарада яшаяпти. Кунини бозорда сув сотибми, ишқилиб ўтказяпти...»

Бир банда бола-чақамнинг тўйтомошасини кўрай, деб ниятлар билан янги иморат тикласа-ю, бошига тушган шум тақдирдан ноилож сотса. Бу «бахтли тасодиф»дан қувонаётган аёл.. Нима дейиш мумкин?

Бойиш ғамида судхўрлар панжасига тушган йигитни оқлаб бўлмайди. Халқимизда қўпол бўлсада бир матал бор: «Эшакнинг ўлими — итнинг байрами...»

...Саҳар мардон пайти. Кимдир эшик қоқди. Очсам, хазорасплик бир танишим. Ранг-руйи йўқ. Саломга тили бормайди. Олдига чой-нон қўйдим. Ҳол-аҳвол сўрадим.

«Мен адо бўлдим, ака! Процент мени еди!»

Унинг бошига тушган қисмат даҳшатли эди. Янги машина олиш ниятида судхўрлардан юз минг сўм қарз кўтарган. Ойига эллик фоиз процентига. Ва товар олиб бошқа давлатга жўнаган. У ёқда иши юришмасдан, бир ой деганда ҳатто юз мингни ҳам қоплай олмасдан қайтган. Иккинчи марта таваккал қилиб, яна мол олиб жўнаган. Бу сафар ишим юришар, ҳеч бўлмаганда фоизини қопларман, фойдасининг падарига лаънат деган. Яна тағин омади чопмаган.

Вақт ўтиб, қарз фоизлари билан уч ҳисса кўпайган. У эса нима қилишини билмасдан, ўша юртларда товар олиб сотиш билан вазиятдан чиқишни ўйлаб, яна тағин икки ой қолиб кетади.

Нимасини айтасиз, менинг олдимга қора тортиб, йиғлаб келганида судхўрлар фоизни кунликка тушириб, роса «болалатиб» ётишган экан. «Уч кун бўлди, уйқу йўқ. Қарзим беш юз мингга бориб қолди. Нима қиларимни билмайман. Эски машинамни саксон мингга ҳам олишмади. Эски иморатни эса оладиган одамнинг ўзи йўқ. Яна ўн кунга ҳисоб-китоб қилмасам, ўлдиришдан ҳам тойишмайди...»

Нима деб таскин беришни билмай бошим қотди. Ҳазилакам пул эмас. Менинг бор мол-мулким ҳам бунинг ярмига етмайди...

...Бу воқеадан бери ярим йилча ўтди. Яқинда танишимни кўриб қолдим. Соғ-омон юрибди. Бошига ёғилган балодан қандай қутилгани билан қизиқдим. «Сўраманг, бу б...ни бир едим, иккинчи марта емайман. Қарз олти юз мингга етганида ёнларига тиз чўкиб бордим. Нима қилсанглар мана мен тайёр, фақат бола-чақамга тегманглар, уйимни ёқманглар, дедим. Ҳақиқатан мендан бу пулни ундира олмасликларига кўзлари етганди, шу боис хизматга ёллашди. Икки ой «қул» бўлиб, айтганини қилдим. Қўшни республикага икки марта қандайдир «товар»ни чиқариб бердим. Кичкина сумкада. Менимча «қорадори» бўлса керак. Қўлга тушсанг — кетасан. Бировдан олдим, деганингга ким ишонади. Айтган манзилларига элтиб бердим, бўлгани шу. Ана шундай ишларим учун қарзимдан ўтишди...»

У ҳозир қайсидир бир қурилишда ишлаётган экан. Иккинчи марта бозорга бормаганим бўлсин, деб қасам ичибди...

...Қарангки, совун кўпигидан иморат қуришни орзу этган бошловчи тижоратчи ўзидан ҳам юҳо судхўр панжасига тушиб, бор-будидан ажради.

Бундай воқеаларни эшитиб, кўриб турибмиз.

Судхўрликни касб қилган бойваччалар оз эмас. Бозорчиликни орзу этган, аммо чўнтагида ақча йўқ ҳаваскор бизнесменлар уларнинг тузоқларига осон тушишмоқда. Ишлари юришса-юришди, акс ҳолда кафангадоларга айланишади, ҳатто қарз баласидан ваҳимага тушиб жонига қасд қилганлар бор...

Судхўрлик — шариатда ҳаромхўрлик тарзида баҳоланади. Чунки бу, меҳнат қилмай пул топиш.

Судхўрлик қонун йўли билан ҳам таъқиқланган «касб».

Судхўр ва мижоз ўртасидаги шартнома яширин кечади. Одатда судхўр томоннинг гувоҳлари қатнашади бу келишувларда. Кейинча пулни тўлашдан бош тортса — «разбор» қилиш учун.

Қадимги Римда бировдан фоизли қарз олиш усули «нектер» деб юритилган. Лотин тилида бу сўз «боғланмоқ», «мажбур қилмоқ» деган маъноларни ташийди. Илк демократик давлат тизими яратишга уринилган кўҳна Римда «нектер» учун қарз олаётган шахснинг ўзи кафолат қилинган. Яъни, белгиланган вақтда қарздор судхўрга қарзни қайтариб беролмаса, суд қарори билан ўша қарздор судхўрга қул қилиб берилган. Токи, қарзни тўлиқ узмагунча. Қарзи эвазига қул қилинган шахслар халқ орасида «нектерлар» деб юритилганлар...

Демак, ўз нафсига, тақдирига «нектер» бўлиб боғланганлар ҳамма замонларда бўлишган экан. Минг афсус...

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«КИЧИК КОРХОНА ЎГАЙМИ?»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 16 январь)

Жарқўрғон туманида фаолият кўрсатаётган «Гидравлика» кичик корхонаси қишлоқ хўжалик техникаларининг айрим керакли эҳтиёт қисмларини капитал таъмирлаш билан шуғулланиб келмоқда. 1997 йилнинг 1 январида унинг дебитор қарзлари 945,0 минг сўмни ташкил қилган.

Корхонанинг дебиторлари асосан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи туман «Таъминоттаъмир» корхонаси ва жамоа хўжаликларидир. Мазкур корхона ва хўжаликларнинг ҳисоб рақамида пул бўлмаганлиги ва тушган пуллар мақсадли равишда ёнилғи-мойлаш, минерал ва маҳаллий ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисмлар харид қилишга сарфланган. Натижада кичик корхона билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган.

Бугунги кунда кичик корхонанинг дебитор қарзлари тўлалигича ҳисоб-китоб қилинди ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган чора-тадбирлар белгиланди.

Сурхондарё вилоят ҳокими Ж. НОРАЛИЕВ.

«ТУТЗОРЛАРНИ ТИКЛАШ ЗАРУР»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 30 январь)

Вилоят ҳокимлиги мутахассислари томонидан газетада чоп этилган мазкур сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилди.

Вилоятда мавжуд қишлоқ хўжалик экинларини, жумладан тут дарахтларининг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтиришга доир ва улардан унумли фойдаланиш бўйича тадбирий чоралар белгиланган.

1996 йил кузи ва 1997 йил баҳорида вилоятимиз хўжаликларида 1200 минг туп тут кўчати ўтқазиш топшириғи берилган. Амалда бу топшириқ 74 минг туп ортиғи билан бажариш кўзда тутилмоқда.

Топшириқнинг бажарилиши вилоят ҳокимлигининг доимий назоратида бўлади.

Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. ЭРГАШЕВ.

«СЕКИН ТИББИЙ ЁРДАМ»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 30 январь)

Мазкур сарлавҳали мақолада Талимаржон тез тиббий ёрдам бўлимидаги нуқсонлар кўрсатилганди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бу масаланинг газетада кўтариб чиқилганини тўғри деб баҳолайди. Бинобарин, бу муаммо 1996 йил 10 апрель куни бошқарманинг коллегия мажлисида кўриб чиқилган эди. Охирги беш йил ичида вилоятда «Тез тиббий ёрдам» учун машиналар олинмади, автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи танқислиги мавжуд.

1996 йилда 12 та «УАЗ» тез тиббий ёрдам машинаси, 76 та аккумулятор ва автошиналар олинди. Тез тиббий ёрдам хизматида ишлаётган кадрлар таъминоти ва жиҳозлар билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Ёнилғи таъминотидаги танқисликни бартараф этиш учун вилоят ҳокимлиги қўшимча 500 тонна бензин ажратди.

Бу масала Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бевосита назоратида турибди, 1997 йилда 80 та «Дамас» автомашинаси «Тез тиббий ёрдам» учун ажратилиши кўзда тутилган.

Талимаржон «Тез тиббий ёрдам» бўлимига 1996 йил 14 сентябрь куни Омонова Ҳалима бемор қизини шифохонага ётқизиш учун чақирув берган. Бемор режали равишда шифохонага ётқизилиши керак бўлган.

Мақола юзасидан бошқарма томонидан комиссия тузилиб текширув ўтказилди. Нишон тумани марказий шифохонаси тиббий кенгашида Талимаржон «Тез тиббий ёрдам» бўлими фаолияти кўриб чиқилиб, газетада чоп этилган мақоланинг тасдиқланганлиги қайд этилди ва бу хизматга алоқадор шахсларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бош бошқармаси «Тез тиббий ёрдам» хизматини яхшилаш борасида амалий чора-тадбирлар белгилади.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Х. МУСТАФОЕВ.

«БИЗГА ЎҚИТУВЧИ КЕРАК»

(«Ўзбекистон овози», 1997 йил 20 февраль)

Чортоқ туман ҳокимлиги мазкур сарлавҳа остидаги мақола юзасидан туман мактабларида хорижий тилларни ўқитиш аҳволини ўрганди.

Текшириш якуни туман халқ таълими бўлимининг 27 февраль куни бўлиб ўтган кенгаш йиғилишида муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар белгиланди.

Тадбирга кўра 1997-98 ўқув йилида олий ўқув юртини битирувчи ўқитувчилардан 3 нафари биринчи навбатда хорижий тиллар ўқитилмаётган мактабларга жўнатилади.

Мақолада кўрсатилган 23-ўрта мактабда ўқиш қирғиз ва ўзбек тилларида олиб борилишини эътиборга олиб, Қирғизистон Республикаси Акси тумани халқ таълими бўлими билан келишилган ҳолда хорижий тил мутахассиси топиш чоралари кўрилмоқда. Юқоридаги халқ таълими бўлимига сўровнома юборилди ва улар масалани ижобий ҳал этишга ёрдам беришни ваъда бердилар.

Шунингдек, мактабларнинг хорижий тил ўқитувчиларига талабини тўлароқ қондириш мақсадида 1997-98 ўқув йилидан бошлаб тумандаги 33-ўрта мактаб базасида инглиз тилини чуқурлаштириб ўқитиладиган интернат синфи ташкил этилади, бу синфга асосан хорижий тиллар ўқитилмаётган мактаблардан ўқитувчилар танланади ва уларни ўқитиш ташкил этилади.

Туман ҳокимлиги бундан кейин ушбу масалани ўз назоратига олади ҳамда ёрдам бериш чорасини кўради.

Туман ҳокими Б. ҲАЙДАРОВ.

Хабарингиз борми?

ЗАМ-ЗАМ БУЛОҚЛАР

Кейинги йилларда Тошкентдаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институти ходимлари Ўзбекистонда 400 дан ортиқ истиқболли шифобахш маъдан сувлари манбаларини аниқлашди. Улар сони, сифати ҳамда шифобахшлиги жиҳатидан машҳур Кавказдаги Мацест, Цхалтуба, Железноводск, Боржом, Есентуки, Нафтуся, Карлова-Вара ва бошқа маъдан сувларидан қолишмайди.

Ўзбекистон маъдан сувлари ўзининг ҳар хил кимёвий физик хоссаларига ва даволаш хусусиятларига кўра 13 турдан иборат.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон ҳудудида, Тошкент туридаги маъдан сувларининг 150 та манбаси, олтингугуртли 30 та, радонли 40 та, бромли, йодли ва йодо-бромли 90 та, темирли 20 та, фторли 10 та, кремнийли 20 та, борли 50 та ва таркиби органик моддали Нафтуся туридаги маъдан сувларининг 20 таси аниқланган. Шулардан 150 таси ҳозирги вақтда санаторийларда ишлатилмоқда ва шишаларга қуйилмоқда. Қолган 250 таси заҳирададир.

Ҳозирда Тошкент туридаги маъдан сувлар асаб, юрак-қон-томир, таянч ва суяк хасталиги, тери, ошқозон-ичак касалликларини даволашда ишлатилмоқда.

Йодли, бромли ва борли маъдан сувлари Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё водийларида бўлиб, улардан ҳар хил турдаги: асаб, юрак-қон-томир, суяк ва бошқа хасталарни ванна бериш усули билан даволаш мумкин. Шу сувларнинг кам минераллигини ичиб асаб, бўқоқ, артеросклероз ва сурункали склероз касалликлари даволанмоқда.

Олтингугуртли маъдан сув шифобахшлиги жиҳатидан энг бебаҳодир. Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бундай сув манбаи кенг тарқалган. Иссиқлиги, водород сульфитининг кўплиги, юксак даражада минераллиги жиҳатидан шифобахш қуввати анча юқори. Ҳозирги вақтда, улардан фақат Чимён, Учқизил ва Жайронхонадаги шифо масканларида юрак-қонтомир, асаб, бўғин оғриқлари, суяк ва тери касалликларини даволашда кенг фойдаланилмоқда.

Сўнгги йилларда Жиззах, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида биринчи марта темир моддали янги маъдан сув манбалари борлиги аниқланди. Бахмал туманида Оқтош қишлоғида топилган таркибида темир моддаси бор булоқ сувини кам қонликни даволашда кенг қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, темирли шифобахш маъдан сувлари Бухоро вилоятининг Ромитан, Когон, Кўҳнагумбаз ва Мамажурота ҳамда Қашқадарё вилоятининг Тошли минтақаларида ҳам аниқланган. Бу сувлар жуда иссиқ, темир моддаси миқдори кўп, таркибида турли хил минерал микроэлемент бор.

Самарқанд вилоятидаги радонли ноёб шифобахш минерал сув Нагорний мавзеида топилган. Сув жуда иссиқ, радон ва минерал моддаларга бой. Асаб, юрак-қон-томир, суяк, тери, аёллар жинсий аъзолари касаллари ва бошқа хасталикларида жуда яхши наф беради.

Сўнгги йилларда Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятларида Нафтуся сифатидаги 20 дан ортиқ маъдан сувлари борлиги аниқланди. Булардан 3 таси буйракдаги тошларни туширишда кенг қўлланилмоқда.

Умуман, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳамма вилоятларда ҳар хил гуруҳдаги шифобахш маъдан сувлари тарқалганлиги аниқланган ва улар базасида санаторий, курорт, физиотерапия ва профилакторий қуриш мумкин. Айниқса, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистонда шифобахш маъдан сувлардан уй шароитида, поликлиникада ва марказий шифохоналарда кенг фойдаланишга имконият бор.

Агар Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида жуда катта заҳирали, кам минераллашган йодли, бромли, темирли ва бошқа маъдан сувларни шишаларга қўйдиган заводлар қурилса, айни муддао бўларди.

Ҳозирги кунда институтда маъдан сувларнинг янги манбаларини топиш, ишлаб турган шифохоналарни кенгайтириш ва янгиларини қуриш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида изланишлар олиб борилянпти.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ФРАНЦУЗЧА БЕЛГИЛАРИ

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Кўпчилик Ғарбий Европа мамлакатлари каби Францияда ҳам ҳуқуқий давлат мазмунини ташкил этувчи мезонлар ишлаб чиқилган. Немис ҳуқуқий адабиётига биринчи бор «ҳуқуқий давлат» тушунчаси киритилганда бундай давлатда нафақат конституция мавжуд бўлибгина қолмай, қонун устуворлиги, давлат ва унинг маҳкамалари ҳуқуқ билан узвий боғлиқ бўлишининг муҳимлиги кўрсатилганди. Давлат ўз вазифаларини қонун асосида амалга оширади. Инсон шахсини ҳурматлаш, унинг бўлинмас ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш — ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифасидир.

Ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун аввало конституциявий тизимга қатор ўзгартиришлар киритилиши лозим. Ҳокимиятнинг бўлиниш принципи акс эттирилиши керакки, бунда ижро ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатларини суиистеъмол қилмаслиги, суд ҳокимияти жамиятда содир бўладиган қонунбузарлик ҳолларини фақат қонунга бўйсуниб мустақил равишда ҳал этади. Франция зиёлиларининг саъй-ҳаракатлари билан вужудга келган ҳокимиятнинг бўлиниш тушунчаси бир текисда ривожланмади. 1789 йилги инқилоб натижасида қабул қилинган «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари» Декларациясининг 16 моддасида «Ҳуқуқлари кафолатланмаган, ҳокимияти бўлинмаган жамият конституцияга эга эмасдир» дейилган бўлиб, ушбу принципнинг такомиллаши учун замин яратиб берди. Давлатда нафақат авторитар, балки республика режими ҳукмронлик қилган даврда ҳокимиятнинг бўлиниш принципига амал қилинмаганлик учун бу принцип механизмини яратишга 150 йилдан ортиқ вақт керак бўлди. Бундай органлардан бири 1958 йили ташкил этилган Конституциявий кенгаш бўлиб, иккинчиси Давлат кенгашидир.

Конституциявий кенгаш парламент томонидан чиқарилаётган қонунларни назорат қилиб қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимиятлари ваколатларини таъминлайди. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципларини таъминлаш борасида француз ҳуқуқий доктринаси юрисдикциявий назорат олиб боради. Умуман қонун устуворлиги 1789 йилдаги инқилобдан сўнг демократик давлатнинг ажралмас принципи сифатида яққол намоён бўлди. Инсон ва фуқаролар Декларациясининг 4 моддасида «Эркинлик — бу бошқага зиён етказмасдан хоҳлаган ишни бажариш имконияти, мазкур принцип фуқароларнинг маълум ҳуқуқини чегаралаш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзоларига ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконини беради, фақатгина қонун маълум чеклашлар чегарасини белгилайди» дейилган. Бу принциплар астасекин халқнинг сайланадиган вакиллари онгига сингди, давлат бошқаруви аппаратида амал қилина бошланди.

Халқнинг хоҳиш иродаси асосида қабул қилинган конституция ва қонунларнинг давлатда амалда бўлган бошқа меъёрий ҳужжатлардан устунлик қилиши қонун устуворлик принципининг мазмунини ташкил қилади. Демак, барча тармоқ бошқарув органларининг фармойишлари, буйруқлар, йўриқномаларни ташкил этувчи қонуности ҳужжатлар конституциявий назорат қилишни талаб этади.

XIX асрда қонуний мустаҳкамланиб, француз жамиятида корпоратив зиддиятлар билан биргаликда ривожланди. Француз давлатчилигининг анъанавий асоси плюрализм бўлиб келган ва бўлиб келмоқда, яъни кўп партиялилик, сўз ва фикр эркинлиги, динга эътиқод қилишдир. Мазкур эркинликларни таъминлаш мақсадида жамиятдаги эркинликлар концепцияси ишланган бўлиб, бу учинчи республика натижасида эришилган матбуот (1881), йиғилишлар ўтказиш (1881), касаба уюшмаларига бирлашиш (1884) ва бошқалардан иборат. Бу йўналишдаги эришилган муҳим ютуқлардан бири тўртинчи республиканинг урушдан кейинги қонунчилиги бўлди, инсон ҳуқуқлари Халқаро пактини имзолаган Франция ҳуқуқий давлат механизмини амалга ошириш учун кенг замин яратди.

Ижтимоий соҳада кўплаб муаммолар юзага келди: қарияларни ўз уйларида моддий таъминлаш, маориф соҳасидаги узилишлар, эскирган уй-жой фондини сақлаш, аҳолини тиббий кўрикдан ўтказиш шулар жумласидан. Марказлаштирилган усулда, ҳукумат ташкилотлари орқали муаммоларни ечиш мумкин. Мамлакатнинг барча йўналишларидаги сиёсатини илмий ташкил этиш мақсадида Президент фармойиши билан ижтимоий-сиёсий иқлимни ўрганадиган миллий ва дунёвий масалаларни тўғри ва объектив ҳал қила оладиган барча соҳа мутахассисларини ўзига бирлаштирган эксперт комиссиялари ишламоқда.

Ҳар қандай ҳолатда узил-кесил ва мустақил қарор қабул қилиш учун маслаҳатлашиш, тушунтириш ва келишувга эришиш лозим. Масалага бундай ёндашиш жамоат манфаатига бўлган ҳурматни акс эттиради.

Ҳуқуқий давлат концепцияси илмий- амалий муносабатларда муҳимдир, чунки у давлатнинг сиёсий йўналишига танқидий ёндашиш, бошқарув, иқтисодий ва маданий-тарбиявий функциялари қанчалик ҳаётийлиги борасида фикр юргазишга кенг имкониятлар яратади.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий давлатнинг француз моделига турли хил баҳо беришган. Бир томондан, партиялар орасида борадиган кураш ва қаттиқ ижтимоий қарама-қаршилик даврида бу хаёлдан бошқа нарса эмас, десалар, иккинчи томондан эса, ҳуқуқий давлат масаласи назарий жиҳатдан келажаги порлоқ масала, амалий жиҳатдан эса — инсонларга зўравонлик, кучли иқтисодий бирлашмаларнинг давлат ҳокимиятига салбий таъсир ўтказишига барҳам берувчи имконият сифатида баҳоланган.

Республикамизнинг давлат органлари такомиллашиб боришида Ғарбнинг илғор мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, давлатчилигимизнинг тарихий манбалари билан реал шароитни қиёслаш олдимизда турган долзарб вазифа эканлигини тушунишимиз муҳимдир.

Матчонбой МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

ДАВЛАТ РАҲБАРИГА НЕЧТА САМОЛЁТ КЕРАК?

Йирик давлатлар раҳбарлари бирор мамлакатга расмий ташриф билан борганида нечта самолёт керак бўлади, деган савол барчани қизиқтириши табиий.

Одатда, АҚШ Президенти Билл Клинтон 300 нафардан зиёд расмий шахсдан ташқари, 300 га яқин журналист ва 200 нафар қўриқчиси билан сафарга чиқади. Унинг шу йил май ойида Бразилияга қиладиган ташрифи қуйидагича ташкил этилаётир: икки йўловчи самолёт делегация аъзолари ва қўриқчилар учун ажратилади, 5 тонна озиқ-овқат, 30 тонна алоқа хизматига қарашли асбоб-ускуна ҳамда ўқ ўтказмайдиган иккита автомобиль учун яна учта юк самолёти хизмат қилади. Б. Клинтоннинг ўзи эса 12 кишилик мажлислар зали, шинам ётоқхонаси ва жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин бўлган тиббий марказга эга «Президент самолёти»да сафар қилади.

БУНДАН БЕХАБАР ЭКАН

«АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг жуда кўп яқинлари иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар томонидан тузилган яҳудийлар геттоси ва ўлим лагерларида ҳалок бўлган», деб тарқатилган хабар АҚШда катта шов-шувга айланди. Чунки, «Вашингтон пост»да чоп этилган мазкур хабар мудҳишлигидан ташқари, унинг яна бир жиҳати бор. Гап шундаки, М. Олбрайт маълум сабабларга кўра Америкага қочиб ўтган чех дипломати оиласида туғилган ва табиийки, чех миллатига мансуб, деб ҳисобланар эди. Бироқ, «Вашингтон пост» ўтказган текширувлар натижасида АҚШ давлат котибининг ота-онаси — Мандула Корбел ва Йозеф Корбелнинг яҳудий экани аниқланди. Ўзини чех ҳисоблаб юрган Мадлен хоним эса шу вақтгача бундан бехабар бўлган.

«ЁЛҒОНЧИЛАР ЁЛҒОНЧИСИ» ЭДИ

Бундан роппа-роса икки юз йил аввал Германиянинг Боденвердер шаҳарчасида «ёлғончилар ёлғончиси» сифатида бутун дунёга танилган бир инсон ҳаётдан кўз юмганди...

Икки юз йилдирки, у ҳақдаги қизиқарли ҳангомалар ўқувчилар хаёлини банд қилиб келади. Лекин, у бошдан кечирган воқеалар ҳаётий қонуниятлардан шу қадар йироқки, баъзида китобхон бундай одамнинг бўлган-бўлмаганига шубҳа билан қарайди. Бироқ муъжазгина Боденвердерда ана шундай инсон яшагани ҳақиқат. У дўстлари, қадрдонлари ёки шунчаки улфатлар даврасида ўтирган пайтда ақл бовар қилмас воқеалар ва турфа қизиқ ҳангомалар айтиб, ҳаммани ўз оғзига қаратишни хуш кўрадиган немис зодагони — Карл Фридрих Иероним фон Мюнхаузен эди.



ҚАДИМИЙ ЭЛЛАДА ДИЁРИ ОЛҚИШЛАЙДИ



«Гелиос» ўзбек-грек қўшма корхонаси жамоаси
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ИСЛОМ КАРИМОВнинг
Греция Республикасига давлат ташрифини қутлайди.
1949 йилда Ўзбекистонга паноҳ тортиб келган грек оталари, оналари, акалари, опалари ва фарзандлари бу серқуёш диёрни иккинчи Ватан деб билиб, севиб яшадилар.
Саховатли замин халқидан муҳожир греклар бир умр миннатдор.



Ўзбекистон ва Греция дўстлик алоқалари умри боқий бўлсин!

«Гелиос» қўшма корхонаси.

Манзил: Тошкент ш., У. Носир кўчаси, 53-Б.Тел: 53-36-11, 53-78-56. Факс: 53-85-22.

«МУЛОҚОТ» САҲИФАЛАРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнали «Мулоқот»нинг 1997 йилги иккинчи (март-апрель) сони босмадан чиқди.

. Журнал янги сонида ҳам ўз анъаналарига содиқ қолиб ўқувчиларга халқимизнинг бугуни, ёрқин келажаги ҳақида янги маълумотлар бериш билан бирга, уларни буюк тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифалари билан ошно этади.

«1997 йилни — Инсон манфаатлари йили деганимизда биз, аввало, мустақиллик шароитида кечган беш ярим йиллик мураккаб ҳаётимизга яна бир бор кўз ташлаб, сиёсий, иқтисодий, гуманитар соҳалардаги ислоҳотларимизнинг илк натижаларини инсон манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлигини назарда тутамиз», — деганди Президентимиз Ислом Каримов.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом журнал саҳифаларидан ўрин олган «Инсон камоли — Ватан жамоли» мақоласида шундай ёзади:

— Ҳеч нарса осмондан тушмайди. Бахтимизнинг нақадар улуғ бўлиши ўзимизга боғлиқ. Вақт елдирим. Кимки ғафлатда қолса, шундай ютқазадики, кейин бундай моддий ва маънавий кемтикнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Соатлар олтинга, дақиқалар гавҳарга тенг замон бу!

Файласуф Ибодулла Эргашевнинг «Истиқлол мафкураси — тараққиёт омили» мақоласи — истиқлолимиз ва бугунги мафкурамиз ҳақида фалсафий публицистик мушоҳададир.

Мустақиллик туфайли ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини белгилаб олган, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан дадил бораётган мамлакатимиз келажаги шубҳасиз юксак малакали кадрларга боғлиқ. Журнал саҳифаларидан жой олган ЎзФА академиги Мурод Шарифхўжаев ва файласуф Нормурод Маматовнинг «Маънавият ва ижтимоий ҳаёт», Аҳмаджон Рўзматовнинг «Олий таълим муаммолари», Азим Жабборовнинг «Маърифат элчилари масъулияти» мақолаларида ёшларга таълим-тарбия, касб-ҳунар ўргатиш ва маънавий тарбия бериш муаммолари хусусида сўз боради.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури ва Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини тарғиб этиш ва рўёбга чиқариш, унинг обрў-эътиборини оширишга шахсан ҳисса қўшаётган фаолларни рағбатлантириш мақсадида Марказий Кенгашнинг «Эҳтиром китоби» таъсис этилди. МК Котибияти бир гуруҳ фаоллар номини мазкур китобга киритиш ҳақида қарор қабул қилди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ҳам бор. Журналистлар Собир Қурбонов ва Ўтамурод Нурмуҳамедов «Эҳтиром китоби»га киритилган фидойи инсонлар тўғрисида ҳикоя қилувчи алоҳида китоб тайёрламоқда. Журнал саҳифаларидан ана шу китобдан ўрин олган халқимизнинг ардоқли шоири ва жамоат арбоби Абдулла Ориповнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи мақола ҳам ўрин олган.

«Мулоқот» меҳмони» рукнида берилган Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори Нуриддин Зайниевнинг «Мустақиллик — масъулият демакдир», ёш тадқиқотчи Зафаржон Мустафоевнинг «Бозор иқтисодиёти ва инвестициялар» мақолалари иқтисодий масалаларга бағишланган бўлиб, қизиқарли фактик материалларга бойлиги билан ажралиб туради.

Журналнинг янги сони

Тарихчи олимлардан Маъмуржон Нишоновнинг «Соҳибқиронннинг саркардалик даҳоси», Сойимназар Каримовнинг «Темурийлар даврида тасаввуф», Ғафуржан Сотимовнинг «Хумоюншоҳ» мақолаларида Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида муштарийларга янги ва қимматли маълумотлар берилган бўлса, шарқшунос олимлар Убайдулла Уватовнинг «Муслим ибн Ҳаж-жож», Ориф Усмоннинг «Бектошия», Маҳкам Маҳмуднинг «Асҳоби каҳф», Аҳаджон Ҳасановнинг «Мадинаи мунаввара» номли мақола ва бадиаларида халқимизнинг буюк алломалари ҳаёти ва аъмоли, башариятнинг табаррук шаҳарлари билан боғлиқ тарихий факт ва воқеалар билан танишасиз.

Файласуф Абдураҳмон Ортиқовнинг «Суҳбатда баҳслашув одоби», адабиётшунос Ҳамидулла Акбаровнинг «Миллий кино қачон туғилган?», ёш олим Алишер Мўминовнинг «Болани бешик асрайди» мақолалари тарихий манбаларга суяниб ёзилганлиги, мавзуга янгича ёндашилганлиги билан ажралиб туради.

Шунингдек, журналнинг янги сонидан ўрин олган «Маънавият сабоқлари» рукнида берилган «Чор китоб»нинг биринчи китоби, таниқли шоир Йўлдош Сулаймоннинг «Мен сизни излаяпман» шеърий туркуми, Маматқул Жўраевнинг «Йилга татигулик кун» мақоласи, «Мулоқот» дафинаси»да берилган материаллар ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади деган умиддамиз.

Ўрол ЎТАЕВ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

Спорт

САФАРДА ЗАФАР ҚУЧИБ

Германиянинг Ганновер шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнирда жаҳоннинг энг кучлилари ўзаро баҳслашдилар. Тошкентлик Оксана Чусовитина ҳам астойдил маҳорат кўрсатиб, олтин медаль сохиби бўлди. Ҳиндистонда эса шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда турли мамлакатлардан келган 68 нафар спорт мастерию гроссмейстер ўзаро дона суришди. Тошкентлик Александр Ненашев маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгаллади.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 1-aprel, seshanba № 39 (22.123).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ҳаёт гули

БЕГОНА ҚЎҒИРЧОҚЛАР

Бир дугонам бор, ўзи жуда чиройли ва маданиятли аёл. Икки қиз ва икки ўғилнинг онаси. Борсам кўпинча уни қизчаларининг қўғирчоқларига кўйлакчалар тикиб ўтирган ҳолатда учратаман. Бирам ҳафсала билан жимжимадор қилиб тикадики уларни!.. Бу уйдан бирорта ҳам синган ўйинчоқ топмайсиз, Сарвиноз уларни таъмирлашга шу қадар уста бўлиб кетган. Ўйинчоқларга худди фарзандига қарагандек диққат ва эътибор билан қарайди. Унинг бундай ҳаракатларидан: «Бошқа қиладиган ишингиз йўқми!» деб айрим танишбилишларимизнинг энсаси қотади. Мен эса ҳушёр тортаман; рост-да, она бўлганимиздан кейин болаларимизнинг буюмларини ҳам азиз билайлик-да!..

Бундан анча йиллар илгари ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани сира унутолмайман. Ўшанда Тошкент даҳаларининг бирида ижарада турардик. Кутилмаганда 3 яшар қизчам кўчадан бир қучоқ хилма-хил ўйинчоқлар кўтариб кириб келди.

— Ийэ! Бу — нима қилиқ? Қаердан олдинг буларни! — капалагим учиб сўрайман ундан.

— Йўқ! Битта ўзим олганим йўқ! Ҳамма болалар билан бўлишиб олдик.

— Қаёқдан олдинглар! Булар кимники ўзи?

— Булар анави аяси билан кетиб қолган 3-қаватдаги қўшнимиз Ситора бор эди-ку, ўшанинг ўйинчоқлари. Уларнинг уйига янги келган Шаҳзода кеннойи Ситоранинг ҳамма ўйинчоқларини, қўғирчоқларини деразадан ҳовлига отворди. Роса чиройли, яп-янгиларини ҳам ташлаворди. Чалинадиган қизил пианиносини ҳам мен олувдим, Азиз қулимдан тортиб олди, ўрнига манави қўённи берди.

Қизчамнинг ҳикоясини эшитиб карахт бўлиб қолдим. Наҳотки, у шу даражага борган бўлса! Кўринишидан дуппа-дуруст келинга ўхшаганди-ку! Ситора минг қилса ҳам эрининг бош фарзанди. Унинг нафратига учрашдан ҳайиқмадимикин? Паҳлавон ака ишдан келса, Шаҳзоданинг бу қилигига нима деркин? Қолаверса, ўйинчоқларда нима айб! Худо бериб фарзанд кўрса, ўйнашарди уларни.

— Ая! Обчиқиб яхши қипмизми? Кўчада қолса, кир бўлиб қоларди-да! Кўрқманг, Ситора келганда ўзига қайтариб берамиз, ҳамма ўртоқларим шунақа дейишди.

Жон ҳолатда ўзини оқлашга уринаётган қизимни тинчлантираман:

— Яхши қилибсизлар обчиқиб. Фақат эҳтиёт қилиб ўйнанглар, хўпми? Қара, Ситора қанақа чиройли, тоза қилиб сақлабди уларни...

Лекин Ситора қайтиб келмади. Унинг онасини ҳам бошқа учратмадим. Шаҳзодахон эса ҳалиям фарзанд кўргани йўқ...

Ўшандан бери ўн йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Шаҳзода жирканган БЕГОНА ЎЙИНЧОҚЛАРни ҳозиргача болаларимиз суйиб ўйнашади. Ситорани эса сира унутолмаймиз. Ҳозир у 15-16 ёшларда бўлса керак. Лекин мен уни ҳалигача қўғирчоғини қучоқлаб турган 5 ёшли қизалоқ қиёфасида тасаввур қиламан. Қизиқ, нега ўшанда ойиси унинг ўйинчоқларини қолдириб кетдийкин!..

Бу сирнинг сабабини узоқ йиллар билолмай юрдим. Лекин яқинда ҳаммаси аён бўлди.

Оила қуришганидан буён тўрт йил ўтар-ўтмай Тахмина эри билан ажрашди. Ўғли ва қизчасини олиб, ҳаммасига этак силкиб онасиникига кетиб қолди. Орада не можаро ўтган, ким ҳақу ким ноҳақлиги бизга қоронғу, фақат она сути оғзидан кетмаган норасидаларнинг ўзлари туғилган уйларидан маҳрум этилганлиги ҳақиқат.

Тахмина кўч-кўронларини олиб кетиш учун акаукаларини бошлаб келди. Қўни-қўшнилар гувоҳликка чиқишди. Аёл уйдаги нарсаларни асабий ҳолатда, шоша-пиша, лекин ниҳоятда ҳушёрлик билан жойлаштирарди. У ҳеч нарсани кўздан қочирмади, ҳатто қайнонасига тегишли ёстиқларга кийдирилган ўз жилдларини (увадаси чиқиб кетган бўлсада) ҳам суғуриб олди, дазмолию супурги-хокондозларигача унутмади. Фақат жажжи Зулфизар билан Темурнинг ўйинчоқларигина бўм-бўш уйнинг бурчагида қолаётганди. Кимдир эслатди:

— Тахминахон, болаларингизнинг ўйинчоқлари...

Йўқ, булар қоларсин. Ўлмасам, ўзим янгиларини олиб бераман. Отасига биздан ёдгорлик бўлсин!

Аёлнинг чертиб-чертиб айтилган шу икки оғиз гапи ҳамманинг кўксига наштардай ботди. Ахир, бу ўйинчоқлар унинг фарзандларига қадрдон бўлиб қолмаганмиди! Уйини, отасини соғиниб ичикаётган гўдаклар улардан ҳам айрилсинми? Ҳувиллаган уйда ёлғиз қолаётган отанинг бу эгасиз қолган ўйинчоқларга қараб бир азобига минг азоб қўшилиши аниқ.

Ситоранинг ойиси нима учун жондан ширин фарзандининг ўйинчоқларини собиқ эрининг уйида қолдириб кетганининг сабабини энди тушундим.

Тўғри, қачондир суюкли ёстиқдошингиз бўлган инсон бугун сизнинг энг ёвуз ва ашаддий рақибингизга айланди. Ундан ўч олишни истайсиз! Бироқ нима учун сизнинг эҳтиёжингизни қондириш учун тағин болаларингиз балогардон бўлиши керак! Фарзандларингизнинг қўлидан юлиб олиб, этак силккан одамингизнинг башарасига отган қўғирчоқларга ачинмайсизми? Ахир бир кунмас бир кун улар Ситоранинг ўйинчоқлари каби хор бўлиши, ойналардан ўқдай ташқарига отилиши мумкин-ку! Болангиз суйиб, кўзига суртиб ўйнаган буюмларнинг қадри шунчами? Ахир, кичкинтойлар учун ўйинчоқлардан ҳам ишончлироқ дўст ва ҳамроҳ йўқ. Нега шу қадар азиз буюмлар бир-бирингизга отиш учун қурол бўлиши керак!

Биз оналар болаларимизнинг саломатлиги, тарбияси ва эртанги куни учун энг биринчи галдаги жавобгар инсонлармиз. Бироқ жигарпораларимизнинг қўли теккан, назари тушган, мурғак тасаввурларида ёруғ бир тушунча ҳосил қилган ҳар буюм учун ҳам масъулмиз. Уларни бегона қилишга ҳаққимиз йўқ!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

YILOYKUN
Yangiliklar, voqealar, xabarlar



Nurota tog`larigi mana bu buloq muqaddas joylardan biridir.
R. SHALAYEV (O`zA) olgan surat.

QO`SHIQ BAYRAMIGA

TOSHKENT. Respublika bastakorlar uyushmasi, Xalq ta`limi vazirligi, yozuvchilar uyushmasi bilan hamkorlikda "O`zbekiston-Vatanim manim" qo`shiq bayramiga bag`ishlangan tanlovni o`tkazdi. Tanlovning yakunlovchi bosqichi, ayniqsa, qiziqarli bo`ldi. Bolalar bog`chalarining tarbiyalanuvchilari, o`quvchilar, bilim yurtlarining talabalari hamda "O`zteleradio"ning "Bulbulcha" bolalar xor jamoasining ijrolari kuzatildi. Shu tariqa o`ttizta asar saralanib, "O`zbekiston-Vatanim manim"qo`shiq bayramiga tavsiya etildi.

Dilorom BEKMURODOVA.

ЁПИЛГАН ЭШИК

Турмуш сўқмоқлари

Сотволдини «тез ёрдам»да олиб кетишганда аёл ўзига келмаганди. Кимдир: «Оловни ўчирдик янга, ишқилиб акам омон қолсинлар-да, бардам бўлинг» деди. Шодибиби эсини йиғиб, аранг ўрнидан кўзғалди. Шу топда ўзини айбдор деб билар, на ёнган уйга, на касалхонага боришни ихтиёр этар, асосийси, қишлоқдагилар нима дейди энди деган ўй билан банд хаёли.

Сотволди ўшанда дўстининг қистови билан Омонулланинг уйига борди. Олдинига пайқамабди. Омонулланинг хотини Суқсурхоннинг туғилган куни экан. Бўш қўл билан келганига уялди. Лекин ўртадаги хижолатликка Суқсурхоннинг ўзи нуқта қўйди:

Келганингиз яхши бўлди. Омонулла акамга кўп яхшиликларингиз ўтган. Ҳеч ўнғайсизланманг.

Дастурхон ёзилгунча хонага боқди: сариштасаранжом, ҳамма ер ойнадек, жавонда китоблар кўп. Суқсурхоннинг хушмуомалалигини айтмайсизми, эрини қўярга жой тополмайди. Ана Омонулла ўғилчасини етаклаб келди. Қандай бахтли оила-я! Менда-чи, уйим дўзахнинг ўзи. Охири бахайр бўлсин-да!

Сотволди уйга келганда Шодибиби ҳар галгидек ғазаб билан остонада турарди: «Сизга зиёфат, ёзиш-чизиш бўлса бас, мол-ҳолни ўйламайсиз! Акамларнинг амакиваччаси келувди, иши бор экан. Сиз эса тентираб юрасиз. Ҳе, эр бўлмай қора ер бўлинг, дея қарғай кетди.

Кўнгли кемтик Сотволди танасидаги енгиллик ўрнини яна оғир юк босгандек бўлди. У юрагини чангаллаганча ижодхонасига кириб кетди. Кўзи стол устида турган сигаретга тушди, бир дона олиб тўйиб-тўйиб тутатди. Ғаладонни тортди, кўзи қалин папкага тушди. Унда Шодибибининг Сотволдига ёзган хатлари бор эди. Аччиғи чиққан чоғда шу хатларга кўз югуртирса, алами пасаярди.

Ахир, хизматда бўлганимда буларни Шодибиби ўз қўллари билан ёзган.

Сотволди папкадаги ҳамма хатлару тўйлари учун тайёрланган суратли таклифномадан қолган нусхаларни газ печкага улоқтирди: «Менга бўлган сохта меҳринг ўтда ёнсин! Шунчасини билмаган ношукр. Ҳа, балким ўртамизда фарзанд бўлмагани ҳам ношукрликдан эмасми? Буёғи яна Яратганга аён!»

Ёлғизлик унинг суягига болта бўлиб урилганди. У сигарета тутатди, радиодан таралаётган нола уни элитди, кўзи илинди, шу боис газ печкани пасайтиришни унутганди у...

Шодибиби палатага кирганда эрининг боши узра қорачадан келган, кўзлари катта-катта, хушбичим жувон турарди. Унинг кўзларида ёш кўрди. Ҳайрон бўлди, ахир Сотволдининг қариндошлари орасида бунақаси йўқ эди...

Шодибиби касалхонада турганини билса-да, эрини ўйламасди, уни шу тобда жувон қизиқтирарди.

— Келинг опа. Беморнинг кимлари бўласиз? — сўради тортинибгина доктор қиз киприкларини артаркан заъфарон рангли, кўзлари чақчайган, ўзи ёш бўлса ҳам афт-ангори кампирларга ўхшаб қолган Шодибибидан.

— Хотиниман, нимайди?..

Доктор қизнинг кўзларида ғазаб алангаланди. Бир нима демоқчи бўлдию, гапирмади. Орага жимлик чўкди. Анча вақт улар бир-бирларига тикилиб қолишди. Бемор ингради. Қиз унга меҳр билан қаради.

— Ана, Сотволди акам кўзларини очдилар!

Доктор қиз йўқотган нарсасини топгандек суюниб кетди.

— Дадаси, мен келдим, тузукмисиз?

Сотволди тепасида турган хотинига қарадию, шу заҳоти кўзини чирт юмди. Унинг Шодибибига нисбатан қалб эшиги энди бутунлай ёпилганди. Аёл шол бўлгандек эшик томон равона бўлди...

Даврон БАҲРОНОВ.

Белорусь Республикасидаги иш коржомалари ва пойабзалларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси — «Стецкевич» ҳиссадорлик жамияти

Кирза, резина этиклари, калишлар ва иш коржамаларини **сотади**

Қорамол териларини ва махсус кийим-кечаклар ишлаб чиқариш учун бўз, «диагональ», «двунитка» ип газламаларини мунтазам харид қиламиз.

МТЗ тракторларига, двигателларга, шиналарга, «МАЗ» автомобилларига ва Белорусь корхоналарининг бошқа маҳсулотларига мавоза ҳам мумкин.

Минскдаги телефонлар: (017) 228-50-28, 228-51-28, 228-52-25.

Футбол

ТЎРТИНЧИ ҒАЛАБА

Кеча ўтказилган тўрт учрашувдан кейин олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг тўртинчи тур ўйинлари якунланди. Якшанба куни эса бешта учрашув бўлиб ўтган эди. Бу сафар ҳам пахтакорчилар ишқибозларни қувонтиришди. Улар «Чилонзор» майдонида дарвозага биргина тўп киритиш билан ғалаба қозониб, 12 та очко билан ҳозирча ягона пешқадам бўлиб олишди. Қолган ўйинлар қуйидагича бўлди: «Андижон»-«Насаф» — 0:0, «Суғдиёна»-«Зарафшон» — 1:0, «Афросиёб»-«Дўстлик» — 0:1, «Нефтчи»-«Атласчи» — 4:2. «Нефтчи» ҳисобида 10 та очко тўпланди. МҲСК, «Дўстлик» футболчилари 9 тадан очко жамғаришган бўлса, «Трактор» ҳисобида 7 та очко бор. «Суғдиёна» ва «Навбаҳор» жамоалари ҳисобида 6 тадан очко жамғарилди. Яна бир кундан кейин 5-тур ўйинлари бошланади.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М.ҚУРБОННИЁЗОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

К сведению акционеров АО «ТАШ КСМ»
баланс предприятия за 1996 год

АКТИВ		ПАССИВ	
Нематериальные активы	- 20	Уставной фонд	- 43957
Основные средства:		Расчеты с учредителями	- 177
первоначальная ст-ть	- 56074	Нераспределенная прибыль	
износ	- 14683	прошлых лет	- 6184
остаточная ст-ть	- 41391	Прибыль:	
Оборудованик к установке	- 57037	отчетного года	- 5920
Незавершенные капитальные вложения	- 10991	Использовано	- 5300
Долгосрочные финансовые вложения	- 211	Нераспределенная прибыль отчетного года	- 620
Производственные запасы	- 24279	Долгосрочные кредиты банка	- 57037
Малоценные и быстроизнаш. предметы	- 7699	Займы	- 4200
Готовая продукция	- 8915	Расчеты с кредиторами	- 64743
Товары	- 484		
Расчеты с дебеторами	- 23772		
Краткосрочные финансовые вложения	- 760		
Расчетный счет	- 255		
Прочие денежные ср-ва	- 104		
БАЛАНС	- 176918	БАЛАНС	- 176918

Результаты подтверждены заключением аудиторской фирмы «Узгушгсутсаноат» от 31.03.97 года.